Ишдан келсам қўшимиз: «Хотининг 12-туғруқхонага олиб кетишибди, хавотир олмас экансан», — деди. Мен туғруқхонага қандай етиб борганимни, йўл-йўлакай не-не ўйлар ўйлаганимни айтиб ўтирмайман. Ундан-бундан сўраб, охири рафиқам ётган палатани толдим. У ҳомиладор аёллар паталогияси бўлимида экан. Телефон қилдим. «Қўтиб туринг, врач чиқиб сиз билан гаплашади», — дейишди телефонда.

Оғина вақт ўтмай бўлим эшиги очилди, ундан ўрта бўйли, хушбичим, истараси иссиқ, оқ халат кийган бир аёл чиқиб келди. Яқин атрофда мендан бошқа одам бўлмаганиданми, ёки ўзича сезибми менинг ёнимга келиб, ўзини таништириб, шундай деди:

— Мен ҳомиладор аёллар паталогияси бўлимининг мудирисаман. Хотинингизнинг аҳволи яхши, ҳозир дори-дармон қилгилми, хотиржам бўлинг. Рафиқангизнинг қон босими жуда ошиб кетди. Шунинг учун ҳам бизга уни аёллар консултациясидан олиб келишди. Рафиқангизнинг оёқ-қўлларида шиш бор, боши ва ошқозон

ни оғрир экан. Буларнинг ҳаммаси қон босими ошганили сабаб бўлган. Айниқса, фарзанд кўришга эҳ қолганда дарҳол врачга мурожаат қилиш керак эди. Ҳозир хотинингизнинг аҳволи анча яхши. Ўртоғингиз, албатта, тувалиб кетади. Биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз. Эртага келиб рафиқангизни кўринишигиз мумкин.

Бу гапларни эшитиб, анча енгил тортдим. Эртаси кун келиб рафиқамнинг аҳволи анча дуруст эканлигини кўриб, хурсанд бўлдим. Ўн-ўн беш кун мобайнида унинг қон босими гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб турди. Кейин эса қон босими бир маромга келиб қолди. Бола туғилишига бир-бир ярим ҳафта қолганда, бош врач В. М. Понин уни уйга юборишга рухсат бермабди. Немаки, бола туғилаётганда яна қон босими ошиб кетиши мумкин, деган фикрни айтибди.

Шундай қилиб, орадан бир ой вақт ўтди. Фарзанд кўрдик. Қизимизнинг исми Дилноза деб қўйдик. Онаси ҳам, қизчамиз ҳам соғ-саломат.

Мен ва рафиқам, айниқса, Фрунзе район 12-туғруқхона ҳомиладор аёллар паталогияси бўлими мудири, акушер-гинеколог Феруза Абдуллаева, шу туғруқхона бош врач Виктор Михайлович Понин, ҳамда акушер-гинеколог Богдуч Ҳалимова, акушеркалар Сайёра Жуманиёзова, Олабон Рузиметоваларга чин дилдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

М. МАЛЛАЕВ,

Ф. Энгельс номи Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтини ўқитувчиси.

Аҳоли турар жойларида

Кенгашли иш бузилмас

Радиоканардан «Ўзбек қиз овози» қўшиғи янграмоқда. Маликалардек кийиниб, тилла-қошлар тақиб олган рақсоз қизлар тайёргарлик кўриб юғуриб юрибдилар. Созандалар асосларини соломатлар. Хуллас, Сергели районидан «Чошпа» маданият уйи байрамона қўйишда. Тўқин дастурхон меҳмонларни кутмоқда. Мана, меҳмонлар ҳам келишди. Улар Навоий номи маҳалланинг ҳурмати онахоналар. Уртага бадиий ҳаваскорлик ансамбли қизлари чиқишди, онахоналарни табриқлай бошладилар.

— Ассаломуалейкум, мунис онахоналар! Сиз борсизки, ҳаётимиз гўзал, турмушимиз фаровон. Сиз борсизки, олам тинч, ҳаёт ширин!

— Келди очилур чоғинг, Узининг намоён қил. Парчалаб кишанларинг, Ҳар томон паршон қил.

Табриқ сўзларидан сўнг аҳоли қўшқилар, кўзни қувонтирувчи рақслар бошланди. Онахоналарга гуллар совга қилинди. Хуллас, Тошкент Давлат маданият институтининг дипломанти Шоира Комилова сценарийси асосида тайёрланган тантана жуда таъсирли ўтди. Онахоналарнинг бошлари кўкка етди.

Бундай йиғилишлар «Чошпа» маданият уйи учун одатдаги ҳолдир.

— Биз биронта ҳам кутлуг кунни исиз қолдирмаймиз, — дейди маданият уйи директори Аҳмаджон Шокоров. — Байрамлардан ташқари турли мавзуларга бағиш-

ланган кечалар, суҳбатлар ўтказиб тураемиз. «Дилнавоз» ашула ва рақс ансамблимиз доимо маҳалла аҳли хизматига, тез-тез танлиқ азувчи ва санъаткорларни тақлиф қиламиз.

Навоий номи маҳалла комитети фаолиятини ҳам барча мамун. Комитет раиси Баширжон Орифжўев бошчилигида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, маҳалла ободончилиги бўйича кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Каровсиз ётган ерга насос орқали сув чиқарилиб, боғ барпо этилди. У боғ энди маданият хордиқ чиқариш маскан бўлади. Ҳозир эса қабристонни ободонлаштиришга эътибор берилляпти. Ойларлар аҳолидан доим хабар олиб турилади. Тўй ва маросимларни орқича чиқимларсиз, фойзли ўтказишда маҳалла комитети бош-қош. Кишиларнинг уй-жой шaroитини яхшилашда ҳам комитет ташаббус кўрсатади.

Кўпгина шундай бўладик, калавасининг учини йўқотган одам ўзгаларнинг маслаҳатига эътиб сездим. Маҳаллада эса ёрдамга шай нурунли бор. Улар қўлларидан келган ёрдамни сира аямайдилар. Шу яқин орада 15 та оилавий жанжал муҳомада қилинди. Эр-хотинлар ажрашиш даражасига бориб етгандилар. Ҳар томонлама тушунтиришлар, кенгаши ва насихатлар тўғрисида 10 та оила ўз хатоларини тан олиб, ярашиб кетдилар.

Қисқаси, маҳалла аҳлининг арзини тинглайдиган, шодлигини баҳам қўладиган оқсоқоллар маҳалла аҳли хизматига, тез-тез танлиқ азувчи ва санъаткорларни тақлиф қиламиз.

Навоий номи маҳалла комитети фаолиятини ҳам барча мамун. Комитет раиси Баширжон Орифжўев бошчилигида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, маҳалла ободончилиги бўйича кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Каровсиз ётган ерга насос орқали сув чиқарилиб, боғ барпо этилди. У боғ энди маданият хордиқ чиқариш маскан бўлади. Ҳозир эса қабристонни ободонлаштиришга эътибор берилляпти. Ойларлар аҳолидан доим хабар олиб турилади. Тўй ва маросимларни орқича чиқимларсиз, фойзли ўтказишда маҳалла комитети бош-қош. Кишиларнинг уй-жой шaroитини яхшилашда ҳам комитет ташаббус кўрсатади.

Кўпгина шундай бўладик, калавасининг учини йўқотган одам ўзгаларнинг маслаҳатига эътиб сездим. Маҳаллада эса ёрдамга шай нурунли бор. Улар қўлларидан келган ёрдамни сира аямайдилар. Шу яқин орада 15 та оилавий жанжал муҳомада қилинди. Эр-хотинлар ажрашиш даражасига бориб етгандилар. Ҳар томонлама тушунтиришлар, кенгаши ва насихатлар тўғрисида 10 та оила ўз хатоларини тан олиб, ярашиб кетдилар.

Ориф ФАРИМОНОВ.

Рус тили—иккинчи она тилимиз

Миллий мактабларда рус тилини ўқитишни янада яхшилаш мақсадида кўрилатган методик қўлланмалар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Тажрибали ўқитувчилар томонидан яратилган янги усул ва методлар ҳам атрофчи ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ қилина бошлади. Рус тили ўқи-

тувчилардан В. Дилевская (141-мактаб), Т. Лобинская (179-мактаб), Ф. Курмашева (192-мактаб) каби фидойи, ўз ишнинг жонқуярлари орттирган педагогик тажрибалар ҳаммасларини ўзига тортмоқда. Шу сабабли Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтини бу изланувчан зинкор-

лар кашф этган дарс-конференция, дарс-эҷет, дарс-концертлар асосида методик материаллар тайёрлади. Таниқли новатор ўқитувчи В. Шаталов методи асосида шартлаётган илгор педагоглар ҳам курс машғулотида ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар. Акбар АЛИЕВ.

Санъатнинг сеҳрли олами

«Я л л а»

«Ялла» ансамбли ва унинг ташкилотчилари ҳақида матбуотда жуда кўп мақолалар берилганки, бу ансамбль ҳақида бирорта янги гап айтиш машаққатдек бўлиб туюлади. Ҳозир уларнинг репертуарларини ранг-баранг халқ қўшиқлари бойитиб бермоқда. Янги-янги оҳанглар янграмоқда.

Одатда республикамиздаги жуда кўп ансамбль ва танлиқ санъаткорларнинг репертуарларидан 90—95 фоизидан (агар ундан ҳам кўпроқ бўлмаса) муҳаббат, сеғи, маҳбубаларнинг гўзаллиги ҳақидаги қўшиқлар ўрин олади. Бу нарса мусиқага тор доира бахш этади, сеғи темасини сийқалатиб қўяди, мусиқавий онингнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмайди.

«Ялла» ансамбли акс ҳолда, тематик ранг-баранглик билан ажралай туради. Мисол учун, Умар Хайём рубойилари, буюк алломаларга бағишланган қўшиқлар, «Тошкент», «Шаҳрисабз», «Бойбекчи», «Сумале» дейсизми, чойхона темасини... қўйинг-ки ҳамма қўшиқлари ўзига хос оҳанг билан жарағлайди. «Санъаткорлар қўшиғида сеғидадан бўлак мавзулар ҳам бор экан-ку» деб қаноатланасан киши.

«Ялла» эстрада ансамбли бўлишига қарамай, ҳар бир қўшиққа, ҳар бир мусиқага шу қадар оригиналлик билан миллий колорит бахш этадики, буни қўллаб бошқа ансамблларга ўрнат қилиб кўрсатиш мумкин. Эътибор берсангиз нэй, доира, рубоб, қолган барча чолғу асосларни европача... Зеро, барча асослар яхлит жозибали ўзбекча оҳангга жарағлашига қалал бермайди. Буни ансамбль иштирокчиларининг етуқ санъаткорлар эканлиги билангина изоҳлаш мумкин.

«Ялла» жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, уларнинг ҳар бир чиқиши, сахнанинг ўзига хос жижизланганлиги, санъаткорларнинг замонавий рух сингдирилган миллий қиймаларига қараб, улар Урта Осиёдан эканлигига ҳеч қимда шубҳа бўлмайди.

Санъаткорлар фақатгина халқ қўшиқларининггина эмас, балки ўзбекистон санъатини, маданият меросининг кенглигини, ҳатто назаримда, сахна орқали унинг тарихини ҳам сўзлаётганга ўхшади. Шундан бўлса керак, тинглаган, томоша қилган серин қалбнинг фатрга тўлади.

Парвозинг яна ҳам юксак бўлаверсин, «Ялла»!

Шўхрат УМАРОВ,

Насиба УМАРОВА.

Г у л

монологи

—Қатра—

Мени ҳамма севади. Менинг ранг-ранглигим, кўрналигим кимларни мафтун этмаган. Лекин мени хўрлайдиганлар ҳам аз эмас. Ана... бир қиз мени дамба-дам ҳидлаб бағрига босмоқда... Бир эса... менинг гулбаргларимни шартта-шартта юлиб озор бермоқда...

Илк бор кишилар юрагига муҳаббат меҳмон бўлганда ҳам мен дарҳол ҳозир бўламан. Чунки мен муҳаббат, нафосат ҳамда гўзаллик рамзидирман. Дунёга илк бор келган гўдакка мени тақдим этишди. Мени кўриб она қанча шўна-ланса, мен ҳам шўналик қўламан, янаба кетаман.

...Инсонинг охириги манзилга элтишгадиган мени ҳам бирга олиб кетишди. Кишилар юзиданга гами, уларнинг қалбидан элтиб йиғлаётганини кўриб, мен ҳам бошимни эгиб, аста-секин қовчираб қоламан...

Эй, кишилар, қўлоқ тутинг, асло менга озор берманг! Чунки жуда изомиман, мисоли қиз қалбидан... Ахир бекиз айтмайсиз: «Қиз кўнгли — гўдай юзидан» деб.

Мен сизларга бутун чиройимни, кўрналигини тақдим этаман, фақат сиз мени ўзоз-ланг, қалбим кўри, яшашим маъносини, сизга, азиз одамлар!

Ойинса БОБОНОВА.

Янги спектакль



Муқимий номи республика давлат мусиқали театри яна бир асар билан бойиди. Коллектив Неймат Нурмухамедовнинг «Музаффар» мусиқали драматини томошаларига тўхфа этди. Спектаклни режиссёр Оловидин Муҳиддинов сахналаштирди.

А. ЮНУСОВ.

СУРАТДА: шу спектаклдан бир лавҳа. Ролларда (ўнгдан чапга) шўх — Т. Бекназаров, Нилуфар — З. Бойхорова, Мирзо — М. Отажонов.

Т. Шамсиев фотоси.

Арақхўрлик қисмати беморлигу... жинойят

Куюнчаклик билан ёзилган

Маълумки, ичкиликбозлик касофат, у умр эғови, бахт заволи. Бу ёмон иллатга қарши олиб борилаётган кураш яхши самара бермоқда. Аммо гуруч кўрмасиз бўлмаганидек, ҳаётда онда-сонда бўлса ҳам алкоогол ружу қўйган кишилар учраб туради.

Ичкилик тўғрисида шундай бахтсиз ҳодисалар юз берадики, у бир умрга ўз исмини қолдиради. Бунинг тарих ҳам қоралаган. Пахлавон Юпитер чўпоқ фарзанд кўрган. Бунинг сабабини суриштирганда, доғишмандлар: «Фарзандни кайф устида орттиргансан» дейишган. Шу-шу рикмликлар орасида 30 ёшгача ички қатлий ман этилган. Чунки бу ёшгача ички фарзанд кўриши керак экан.

Алкооголь тўғрисида турли хил

дардга йўлиққанларидангина уларнинг кўзи мошдек очилди. Алкооголин киши организмига зарарли таъсири «Оқшом» газетасининг бир қатор сонларида батафсил ёритилди. Энди ички оғиз жигарга таъсири ҳақида. Ичкилик, айниқса, жигарга ёмон таъсир қилади. Жигар функциясини сусайтириб юборади. Жигарда миллионлаб ҳужайралар бор. Алкооголь шу ҳужайраларнинг нормал ишини издан чиқаради. Пирозаридида жигарни бўймайтириб, кичирайтиради. Сурункали ичкиликбозликка мубтало бўлган кишиларнинг 70 проценти жигар рағимдан ҳалок бўлади. Ҳатто 100 грамм арақ актив ишлаётган 7 минг 500 та ҳужайраи нобуд қилади. Арақ ичилгандан кейин орадан ярим соат

ўтган мускуллар кучи 20—40 проценти пасаяди. Ким бўлса нафс ила май кўрбони, Ҳисобланг сус онинг онг, виқонин.

Зеро, шоир айтганидек, ичкилик инсоннинг тафаккурига, онига, сезги органларига, фикрлашига зарар қилади. Оқибатда ичкиликбоз киши инсоф ва виқонидан ҳам айрилибди. Мияси айниб, нима қилаётганини ўзи ҳам аниқ билимай қолади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакики, алкооголь организмга зарарли таъсир кўрсатибгина қолмай, кишини ўлимга дучор қилади. Фақатгина алкооголдан АҚШда ҳар йили 100 минг киши, Англияда 40 минг киши, Францияда 18 минг киши ҳаётдан кўз юмади. Л. Н. Толстой, вино одамни ярамас иш-

лар қилишга анча мойил қилиб қўяди, деган эди. Дарҳақиқат, спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг 17 процентида фойдали иш унутадиганлиги пасаяди, 20 процент оилавий қўйди-қиндигини сабаби ҳам алкооголдор. Корхонадаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 проценти мастлик ҳақида содир бўлади. Пиёнистада ахлоқ, одоб, тарбия бўлмайди. В. В. Маяковский бу борада шундай ёзган эди:

...Бутун соҳаларнинг жинойятлари, Бездори озорли, турмушда доғ-Кўпайиб боради ичидан сари, Симирилган сари ивию-ю арақ... Мана шу зикр этилганлардан алкооголин ҳар томонлама зарарли эканлиги билиниб турибди. Шундай экан, ичкиликни илдин билан юлиб ташламоғимиз даркор. Бу — ҳар

бир соф виқонли кишининг инсоний бурчидир. Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимиз халқ соғлиғи, унинг турмуш даражасини яхшилаш борасида тинмай галмўрлик қилмоқда. Доғийиш В. И. Ленин: «Пролетариатта мастлик — кайф керак эмас, унинг онги тиник, ёрқин бўлиши керак, — деган эди.

Саломатлиқни муштараклаш, ақли, идрокли бўлиш, ярамас одатларга дучор бўлмаслик идрокли ҳар ким инсоннинг ўзига боғлиқ. Одамнинг ўз саломатлигига пўтўр етказиши осон, бироқ тиклаши қийин.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, фарғоналик доринуос.



«ҚИЗИҚ КИТОБ ЭКАН».

Р. Альбеков фотоси.

Варрагим

Сенга оқ йўл, дади бўл, Баландроқ уч, варрагим. Солтин кўкка янги йўл, Саломан кўч, варрагим. Юлдузларга салом айт, Ойномани ўпиб қайт. Будутлардан маржонларни, Силқитиб туш, варрагим.

Ёш боғбонлар

қўшиғи

Шафтоли ширин экан, Тили ёрди боли. Келинг биз ҳам эканмиз, Бизда йўқ-ку шафтоли. — Шафтоли.

Анҳор

Жимирлаб, унсиз қўйлаб Тўлиб оқди аҳор. Ёлсанг, бу сув тоғларга Ёққан қалин-қалин қор.

Бувижон, ўқиб беринг

Бекор ётмай пастликка Келаяти эриб, оқиб. Боғларга йўл-йўлакай Энди кетар гул тақиб.

Бобом билан мен

Бобом анча қарилар, Юрарлар аста-аста. Мен чопқиллаб етаман Ҳамма жойга бирпасда, Бобом боғда ишлайди, Парваршилар дарахтани. Мен қувноқ ўйин билан Ўтказаман кўп вақтни. Бобом аччиқ чой ичар, Қовғоғимни уяман. Чунки аччиқ чойиммас, Ширин чойини сўяман.

Неъмат ДУШАЕВ, Ангрэн шаҳри.

Яхши амаки

Кинога ойин билан бориб Келган бола дадасига деди: Дада, эшикнинг олдидаги амаки яхши экан.

— Нима! Айт, нега яхши? — Билетдан оғина йиртиб олиб, қолганини оймага қайтиб берди.

Шафтоли қаерда ўсади?

Бола дадасидан сўради: — Дада, шафтоли қаерда ўсади. — Шафтоли СССРда асосан томорқада ўсади.

Ким бўласан?

Ота кичин ўғлидан сўради: — Ўғлим, аканг қатта бўлса учувчи бўлмоқчи, сен қатта бўлсанг ким бўласан?

— Мен қатта бўлсам коптонни бағид тездайган бўламан. Асрор МУМИНОВ.

Редактор

Т. М. ҚОЗОҚБОВ

Ўқишга марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ

1988-1989 ўқув йиллиги

Қабул эълон қилади

26-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Чинни пиширувчилар;
чинни текисловчилар;
чинни шаклини тайёрловчилар;
электр-монтерлар;
техника назорати бўлими контролёрлари;
саноат машиналарини ремонт қилувчи слесарлар;
слесарь-сайттехниклар.

Билим юртига 10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — ҳамма мутахассисликлар учун 6 ой.
Ўқишга қабул қилинганларга 70—80 сўм миқдорда стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтидаги иш ҳақининг 50 проценти ўқувчиларга тўланади.

Билим юртини тамомлаганларга мутахассислик эгаллаганлиги ҳақида диплом берилади. Аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинади.

Ўқиш вақти узлуksиз меҳнат стажига киради.

ЮҚОРТИГА КЎРСАТИЛГАН ХУНАРЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН ЎҚУВЧИЛАР ТОШКЕНТ ЧИННИ ЗАВОДИГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:

Директор номига ариза, паспорт (кўрсатилади), турар жойдан справка, маълумот ҳақида ҳужжат, медицина справкиси (086/У форма), расм (3х4, 6 дон), меҳнат дафтарчаси, таржимаи ҳол.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР ИЙГИЛИШИ БИЛАН ВОШЛАНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов район, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-ўй.

Телефонлар: 44-30-07, 44-15-86. Автобуслар: 38, 59, 76, 166, «Қўшпўт» бекати.

А. ХУЖАЕВ НОМИДАГИ 12-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: қурилиш бўёқчиси, қурилиш дурадгори, электр пайвандчиси. Ўқиш муддати — 8 синфни битирганлар учун — 3 йил; 10 синф маълумоти билан янги турувчи ихтисослигини эгалловчилар учун ўқиш муддати — 1 йил ва 6 ой; 10 синф маълумоти билан гач ўймакорлиги ихтисослигини эгалловчилар учун ўқиш муддати 1 йил ва 6 ой; 8 синфни битирганлар учун — 3 йил.

Таълим даврида 3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар 3 маҳал оғдат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагач уларга ўрта маълумот ҳақида диплом ва эгаллаган касби бўйича разряд берилади. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида уларга баъжарган иши учун оладиган иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Бир йиллик ва 6 ойлик таълим группаларига 10-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаган кишилар қабул қилинади. 6 ойлик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга оинга 72 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври узлуksиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун билим юртида ҳаваскорлик тўғараклари, 13 та спорт секцияси ташкил қилинган.

Ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчиларга конкурслардан ташқари ўрта ва олий ўқув юртига қабул қилишлари учун йўлланма берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: ариза, таржимаи ҳол, тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳужжат, мактабдан справка, яшаш жойидан справка, 6 донга фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

АРИЗАЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, 26-квартал, 1-ўй (54, 187, 3-автобусларнинг «12-квартал» бекати; 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлника» бекати).

39-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Билим юрти радиоэлектрон аппаратураларни йиғувчи слесарь ихтисоси бўйича юқори маалаки мутахассислар тайёрлайди.

Ўқишга 10 синф маълумотига эга бўлган, Тошкент шаҳрида ёки шаҳарга тўғра районларда яшаб турувчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

ТАЪЛИМ РУС ТИЛИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаган ўқувчилар олий ва ўрта махсус ўқув юртига имтиёзли ҳужжат билан қабул қилинади. Уларга ўқиш даврида оинга 77 сўм стипендия тўланади.

Ўқувчиларга практика даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида спорт секциялари, вокал-чолгу ансамбли, техника йиқди тўғараклари фаолият кўрсатади.

ҲУҶЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (086/У форма) справкaları, 6 донга фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

МАШҒУЛОТЛАР 1988 ЙИЛ МАРТ ОИДА ВОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Весна кўчаси, 17-ўй (12, 37а, 81а, 183, 106-автобусларнинг «Ўзбўм» 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон: 91-14-51.

«МАЯК» ЧОРЛАЙДИ

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ 10-МАГАЗИНИДА

(Жуковский кўчаси, 81-ўй).

КИЕВДАГИ «МАЯК» ЗАВОДИНИНГ САВДО-ТЕХНИКА МАРКАЗИ

ОЧИЛДИ

БУ ЕРДАН СИЗ «МАЯК» МАРКАЛИ МАГНИТОФОНЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ, ЗАВОД ВАКИЛЛАРИНИНГ МАЛАКАЛИ КОНСУЛЬТАЦИЯСИНИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. УЛАР ТАНЛА-

ГАН МАГНИТОФОНИНГИЗНИ ТЕКШИРИБ БЕРИШАДИ, ЗАРУР ҲОЛЛАРДА ЭСА (магнитофон биринчи йил эксплуатация қилинаётган бўлса) КАФОЛАТ ЮЗАСИДАН ХИЗМАТ КЎРСАТАДИЛАР.



КИЕВДАГИ «МАЯК»

ЗАВОДИНИНГ

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

САВДО-ТЕХНИКА

МАРКАЗИГА КЕЛИВ

ТУРИШИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

Савдо-техника марказининг иш вақти — соат 10 дан 19 гача, танаффус — соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — якшанба.

Телефонлар: 33-69-93, 32-09-57.

Транспорт: 1, 2 трамвайларининг, 25, 60-автобусларининг «Ташсовет» касалхонаси» бекати, 5, 17-троллейбусларининг, 5, 26, 52, 183-автобусларининг «145-мактаб» бекати.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

25 МАРТ СОАТ 12 ДА

«ЗАРАФШОН» РЕСТОРАНИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

«БАЙРАМ ДАСТУРХОНИДАГИ ЗИЕФАТ УЧУН» КИМ ОШДИ

САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ким ошди савдосига 7, 10 ва 15 кишига мўлжалланган, Тошкентнинг энг моҳир пазандалари ва қандолатчилари ноёб рецептлар бўйича тайёрлаган зиёфатларда тортинладиган фирмали таомлар тақдим этилади.

Шу кун ресторанда ягона нусхада тайёрланган қулинария ва қандолатчилик маҳсулотларининг савдо-кўргазмаси ҳам ўтказилади.

Ким ошди савдосига тақдим этилган барча таомлар ва ширинликлар ўзининг тотли мазаси, ўзига хос безатилганлиги билан ажралиб туради. Уларни харид қилинган кунни ҳам, эртаси кунни ҳам дастурхонга тортса бўлади.

25 март кун ресторандан харид қилин-

ган қандолатчилик ва қулинария маҳсулотлари, агар истасангиз, сиз кўрсатган адресга элтиб берилиши ҳам мумкин.

Ким ошди савдосига тақдим бўлмоқчи бўлган ўртоқлар олдидан билеларин «Зарафшон» ресторани кассасидан, Марказий универсал магазин, «Чилонзор» савдо маркази, Юнусободдаги балиқ комплекс сн атрофидан сотиб олишлари мумкин.

Билетнинг баҳоси — 1 сўм.

Ким ошди савдосидан тушган барча даромад Ленин номидаги Совет болалар фонди ҳисобига ўтказилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИ

23-25 МАРТ КУНЛАРИ УТАДИГАН САВДО КЎРГАЗМАСИГА

— «САЛЮТ», «СЕРГЕЛИ-3», «СЕРГЕЛИ-12» корпусли мебель термаларини;

— «УЛЬБИНКА», «УСОЛЬЕ», «МАТИЛЬДА», «СИРЕНЬ», «ЧИНОР» юмшоқ мебель термаларини;

ТАҚДИМ ЭТАДИ

— Мебелларни СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ҚЎҶОН ВА ЯНГИЙЎЛ ФАБРИКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН.

Магазиннинг адреси: Юнусобод массиви, 8-квартал, 39-ўй (8, 18, 24, 51, 60, 72,

— шунингдек, алоҳида предметларни — кўйлак, ич кийим, идиш-товоқ жойланадиган шкафларни, трюмо, диван-каравот, каресло-каравот, болалар каравотлари, бир ва икки ўринли тахталарни, «Баҳор», «Наврўз» сандиқларини

96, 112-автобусларининг, 25, 28, 29-грамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати). Телефон: 24-87-45.

Иш вақти: соат 10 дан, дам олиш куни — душанба.

«МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИ.

ОНА-БОЛА САЙР ҚИЛЯПМИЗ...



Мен эндигина атак-чечак қадам қўяётган бўлсам ҳам, сайр қилиш онамга малол келмайди. Чунки менинг ўз шахсий транспортим — енгилгина, қўлай сайр арава-чам бор.

Бундай аравача билан олис масофаларга ҳам саёҳат қилса бўлаверди: осон йиғилиши сабабли уни транспорт ичига кўтариб кириш мумкин эмас.

Хурматли ота-оналар! Агар оилангизда эндигина юраётган болалар бўлса «Ташхотторг» магазинларига таширф бююришини маслаҳат берамиз. Ана шу магазинлардан сайр аравачаларини сотиб олишингиз мумкин.

МАГАЗИНАРНИНГ АДРЕСИ:

3-магазин — Қорақамиш массиви (савдо комплекси);
4-магазин — Қўйбешев шоссеси, 850-ўй;
8/2-магазин — Навоий кўчаси («Дўстлик» ярмаркаси).

12-магазин — Луначарский шоссеси маркази.
«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон: 77-36-89).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасиянинг Ўзбекистон агентлиги.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
М. Қорйёқубов номидаги Ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИ СССР ХАЛҚЛАРИ
ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

21, 22 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ, ТУРКМАНИС-
ТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Бобомурод Ҳамдамов

концерти

ПРОГРАММАДА ЎЗБЕК КЛАССИК ВА ЗАМОНАВИЙ ҚЎШИҚЛАР, ШАРҚ ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ИЖРО ЭТИЛАДИ.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассасида соат 14.00 дан сотилмоқда.



Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 18/III да кичик
экспериментал сахнада Она
калби (17.00), Севгила севи
билан (19.00), 19/III да Флория
Тоска.

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗ-
БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ
ТЕАТРИДА — 18/III Хотиним-
нинг эри, 19/III да Ҳийлаи
шаръий.



Кино

18 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «ТУЗОҚ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Дружба — «ТУЗОҚ» (тоқ соатларда); «ТОВЛАМАЧИ» (жуфт соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НО-МАЪЛУМ АЕЛ» (жуфт соатларда).

Қозғоғистон — «ЖЕК ВОСЬ-МЕРКИН — «АМЕРИКАЛИК» (17, 20.00); «ТУЗОҚ» (18.00).

К. Ерматов — «ОДИЛ СУД» (18.30, 21.00); «ХАЁТ МАЗМУНИ» (20.00).

Нукус — «ПАРОМА» (18.30, 20.45).

С. Раҳимов — «ДАРҒАЗАБ АНЖЕЛИКА» (жуфт соатларда).

Ғ. Ғулом номли — «ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОПҚОН» (Ўзбек тилида, тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ВЕРОНИКА ФОССНИНГ СОҒИНЧИ» (тоқ соатларда).

Ўзбекистон Советининг 50 йиллиги — «БИРОВНИНГ ПУЛИ» (18, 19.30, 21.00).

19 МАРТДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР

Москва — «ТУЗОҚ» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Дружба — «ТУЗОҚ» (тоқ соатларда); «ТОВЛАМАЧИ» (жуфт соатларда).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «НО-МАЪЛУМ АЕЛ» (жуфт соатларда).

Қозғоғистон — «ЖЕК ВОСЬ-МЕРКИН — «АМЕРИКАЛИК» (11, 14, 17, 20.00); «ТУЗОҚ» (11, 18.00).

К. Ерматов — «ОДИЛ СУД» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «ХАЁТ МАЗМУНИ» (12, 20.00).

Нукус — «ПАРОМА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

С. Раҳимов — «ДАРҒАЗАБ АНЖЕЛИКА» (жуфт соатларда).

Ғ. Ғулом номли — «ҚАШҚИРЛАР УЧУН ҚОПҚОН» (Ўзбек тилида, тоқ соатларда).

Лисунов номли — «ВЕРОНИКА ФОССНИНГ СОҒИНЧИ» (тоқ соатларда).

Ўзбекистон Советининг 50 йиллиги — «БИРОВНИНГ ПУЛИ» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:

Саъват саройи — 44-21-44, 44-21-34.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.

Нукус — 46-70-69.

Дружба — 67-96-87.

Қозғоғистон — 35-24-92.



Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ургатилган гамадрилар» аттракционининг томошалари (18/III да 19.30 да; 19/III да 16, 19.00 да; 20/III да 12, 15, 18.30 да).

«Ўзбекзолото» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Қизилқум» кон изловчилар артелига берилган 747, 846, 940-номерли йўқолган

ИШОНЧ ҚОҒОЗЛАРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент агрегат заводи коллективи корхонанинг кенсаси ходими М. Ғофуровга онаси

Мехри

ОХУНБОУБОВЕАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Киров район ошхоналар трестининг «Анхор» ошхонаси коллективни ошхона мудирини М. З. Одиловга отаси. Улуг Ватан уруши қатнашчиси

Зонир Одиловни

ОДИЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Вайроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ

АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет курилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар ҳужумлиги, савдо ва маъиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-вазирларнинг тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; мамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33